

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН  
ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ  
УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ТУШУНЧАСИ, АСОСИЙ  
ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

**Йўлдошев Равшан Норқобилович**

*Пахтаки туман прокурори ёрдамчиси лавозимида  
иши ўрганувчиси*

**Аннотация:** Уибу мақолада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг тушунчаси, асосий вазифалари ва функциялари муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** вазифа, тезкор-қидирув фаолияти, прокурор назорати, ваколат, қонун ҳуёжжатлар, қонунларнинг ижро этилиши, жиноят ишини юритиш.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются понятие, основные задачи и функции прокурорского надзора за исполнением законов органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность.

**Ключевые слова:** функция, оперативно-розыскная деятельность, прокурорский надзор, полномочия, нормативно-правовые акты, надзора за исполнением законов, уголовное судопроизводство.

**Abstract:** This article discusses the concept, main tasks and functions of prosecutorial supervision over the enforcement of laws by bodies engaged in operational investigative activities.

**Keywords:** function, operational investigative activities, prosecutorial supervision, authority, regulatory legal acts, over the enforcement of laws, criminal process.

Маълумки, тезкор қидирув фаолияти бу – маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор ходимлари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган жиноятчилика қарши кураш ва

жиноятларни олдини олиш билан шуғулланувчи оператив фаолият ҳисобланади.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида тезкор қидирав фаолияти “Тезкор қидирав фаолияти тўғрисида” қонуни билан тартибга солинган.

Мазкур қонуннинг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тезкор-қидирав фаолиятини:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкасининг;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг органлари тезкор вакиллари томонидан амалга оширилиши белгиланган<sup>91</sup>.

Тезкор қидирав органлар ўз фаолиятларини қонунийлик, инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, конспирациядан (тезкор-қидирав тадбирлари ўтказишнинг, тезкор-қидирав хусусиятига эга ахборотни олиш, расмийлаштириш, сақлаш ва ундан фойдаланишинг, шунингдек тезкор-хизмат хусусиятига эга ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларининг алоҳида тартибига риоя этиш ), ошкора ва ноошкора усуслар уйғулиги, тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишда инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши шартлиги, тезкор қидирав фаолияти ҳарактери даги ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишини сир тутиш ва бу борада ошкора ва маҳвий усуслардан фойдаланишини қўшиб олиб бориш каби приспиларга риоя қилган ҳолда амалга оширишлари лозимлиги белгиланган.

Тезкор қидирав органлари ходимлари суриштирув ва дастлабки терговни олиб борувчи органларга қўмаклашувчи шахслар ҳисобланиб, жиноятларни олдини олиш ва жиноят иши бўйича мавжуд далилларни тўплаб, ўларни сақла қўйиш, жиноят содир этган гумон қилинувчи шахсларни аниқлаб уларни ушлаш чораларини кўриш, жиноят оқибатида келтирилаг зарарни қоплаш

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси “Тезкор қидирав фаолияти тўғрисида” қонуни

билин боғлиқ тезкор ҳаракатлар бажаришлари билан бевосита суриштирув ва дастлабки терговнинг олдига қўйиладиган вазифаларни амалга оширишга ёрдам берадилар. Бунда улар томонидан олиб борилаётган тергов ва тезкор-қидириув ҳаракатлари давомида белгиланган қонун-қоидаларга оғишмасдан риоя қилишлари талаб этилади.

“Тезкор қидириув фаолияти тўғрисида” қонуннинг 21-моддасига мувофик, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳукуқларини чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот ҳамда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ердаги прокурор томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, бундай тадбирларни ўтказиш ҳақидаги материалларнинг тадбирлар ўтказилаётган жойдаги прокурор томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилади<sup>92</sup>.

Тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш зарурлиги асослантирилган ҳолда прокурорга тақдим этилади. Прокурор тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа материалларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли тезкор-қидириув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказиши асослантирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади. Прокурор тезкор-қидириув тадбири ўтказилишига санкция беришни рад этган тақдирда, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган юқори турувчи прокурорга бундай қарор устидан шикоят қилишга ҳақли.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси прокурорнинг тезкор қидириув фаолиятини амалга оширишувчи органларнинг фаолиятида

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси “Тезкор қидириув фаолияти тўғрисида” қонуни

қонунларнинг ижроси устидан назорат қилишлари лозимлиги ҳакида белгилан<sup>93</sup>.

Шунга кўра, прокурор ўз ваколатлари доирасида: суриштирув ва дастлабки тергов органларидан, шунингдек терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан жиноят ишларини, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа маълумотларни текшириш учун талаб қилиб олиб олиши; терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтуб ўтказиш, олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларни ва суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини, шу жумладан прокурорнинг ёки прокуратура терговчисининг иш юритуvida бўлган ишлар юзасидан тергов ҳаракатларини бажаришни топшириши, жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар бериши мумкинлиги қайд этилган ва прокурорнинг жиноят-процессуал қонунчилигига назарда тутилган тартибда берган терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят ишларини қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ кўрсатмалари терговга қадар текширувни ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари учун мажбурий эканлиги билан мустаҳкамланган.

Жиноятларни фош этишда тезкор қидирув фаолиятнинг ўрни муҳим, албатта. Ўз ўрнида, тезкор қидирув фаолияти фуқароларнинг хаёти, соғлиғи, инсон хуқуқ ва эркинликларини, хусусий мулкни, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовуздан ҳимоая қилиш мақсадида олиб борилади. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар олдида турган вазифалар хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фош этиш ва жиноят ишлари юритишнинг умумий вазифалари билан умумий маъно касб этиб, яъни, жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва хукм қилинмаслиги учун айбордларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбик этилишидан иборатdir. Бунда тезкор-

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти қонуни

қидирув вакилларининг хизмат фаолияти мустақил эмаслиги билан ҳарактерланиб, улар ўз фаолиятларини доим суриштирув ва тергов органларига кўмакчи соҳа вакиллари сифатида амалга оширадилар.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, тезкор ходимлар томонидан ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш стратегияси ва тактикаси давлат сирини ташкил этиб, қонунчилик тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан бу фаолиятини амалга оширишда маълумотларни сир сақлашни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида тезкор-қидирув тадбирларининг турлари қўйидагилардан иборат эканлиги белгиланган:

**Яъни:**

**сўров** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни билган ёки билиши мумкин бўлган шахс билан бевосита мулоқотда бўлиш жараёнида ахборот олишдан иборат бўлган тадбир;

**маълумотлар тўплаш** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбир;

**қиёсий текширув учун намуналар йиғиши** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида моддий объектларни келгусида қиёсий текшириш учун олишдан иборат бўлган тадбир;

**текшириш учун харид қилиш** — юридик ёки жисмоний шахслардан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган товарларни ёки хизматларни ҳақ эвазига харид қилишдан иборат бўлган тадбир;

**назорат остида олиш** — ёлғондан битим тузишдан, яъни қонунчилик бузилиши фактини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш учун товарларни, валюта қимматликларини, моддаларни ҳамда бошқа предметларни истеъмол қилиш ёки сотиш мақсадини кўзламасдан олишдан иборат бўлган тадбир;

**предметларни ва хужжатларни текшириш** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида предметларни ва хужжатларни ўрганиш учун зарур илмий, техникавий ва бошқа маҳсус билимларга эга бўлган мутахассисларни жалб этган ҳолда ўтказиладиган тадбир;

**тезкор кузатув** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида шахсларнинг ҳаракатларини, ҳодисаларни ва жараёнларни бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) ноошкора кузатиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир;

**шахснинг айнанлигини аниқлаш** — текширилаётган ёки қидирудаги шахснинг шахсини идентификация қилиш ёхуд хусусий белгилари асосида аниқлашдан иборат бўлган тадбир;

**туرار жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган шахслар, фактлар ҳамда ҳолатларни аниқлаш мақсадида турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, компьютерларни, алоқа қурилмаларини ва транспорт воситаларини бевосита ёки билвосита (техник воситалардан фойдаланган ҳолда) қўздан кечириш ҳамда ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

**пошли, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш мақсадида пошли, курьерлик жўнатмалари ҳамда телеграф хат-хабарларини ноошкора танлаб олиш ва ўрганишдан иборат бўлган тадбир;

**телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш** — маҳсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган сўзлашувларни, шу жумладан узатиладиган матнли, график ва мультимедиа ахборотини ноошкора эшитиб туриш, тутиб қолиш ва қайд этишдан иборат бўлган тадбир;

**абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш** — абонентлар ёки абонент қурилмалари (фойдаланиладиган асбоб-ускуна) ўртасидаги боғланишлар санаси, вақти, давомийлиги тўғрисида ахборот ва бошқа маълумотларни ноошкора олишдан иборат бўлган тадбир;

**тезкор киритиши** — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимини ёки махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсни жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган обьектга киритишдан иборат бўлган тадбир;

**назорат остида етказиб бериши** — эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят обьекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир;

**ниқобланган операция** — жиноий-криминоген муҳитга ёки тезкор аҳамиятга эга бўлган обьектга киритилган шахснинг имкониятларидан тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора фойдаланишдан иборат бўлган тадбир;

**тезкор эксперимент** — ғайрихуқуқий қилмиш содир этган ёки унга тайёргарлик кўраётган шахсларни фош этиш ва аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган шароитни муайян ҳодисани қайтадан тиклаш йўли билан сунъий равишда вужудга келтиришдан иборат бўлган тадбир<sup>94</sup>.

Ушбу модда биринчи қисмининг ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларда назарда тутилган тезкор-қидирув тадбирлари маҳсус ваколатли давлат органининг кучлари ҳамда воситалари билан ўтказилади.

Шунингдек, айрим шахслар ўз розиликлари билан тезкор қидирув тадбирларини ўтказишида қатнашишга жалб қилиниб, тезкор тадбирга кўмаклашадилар. Улар тезкор қидирув тадбирларини ўтказишида тайёргарлик кўриш ва ўтказиладиган тадбирлар давомида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир саклашлари керак бўлади. Ўз ўрнида тезкор-қидирув

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида” конуни

фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳам мазкур кўмаклашувчи шахсларнинг шахси ҳақида сир тутишлари, уларнинг моддий ва хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишлари лозим бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, тезкор-қидирав фоолиятини амалга оширувчи орган ходимлари ўз вазифаларини қонун доирасида аниқ ва бир хилда ижро этишлари юзасидан жойлардаги прокурорлар томонидан қатиий назорат олиб борилиши лозим.

Прокурорлар тезкор қидирав фоолиятини амалга оширувчи органлар томонидан тезкор тадбирлар давомида фуқароларнинг хаёти, саломатлигига зиён етказсалар ёки фуқароларнинг шаъни ва қадр қимматини камситувчи қонунга ҳилов ҳаракатлар содир этсалар, тезкор ходимларга нисбатан тегишли жавобгарлик масаласини ҳал этишлари керак бўлади.

Эслатиб ўтишимиз мумкинки, тезкор-қидирав фоолиятида айрим тезкор-тергов ҳаракатларини ўтказишга прокурорнинг санкцияси олиниши лозим бўлиб келмоқда. Яъни, прокурор санкциясига мувофиқ, тинтуб тергов ҳаракати ўтказиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва кўздан кечириш, телефон ва бошқа сўзлашувлар орқали олиб бориладиган сўзлашуларни эшишиб туриш мумкинdir. Айни кунларда ҳам мазкур норматив амал қилиниб келинмоқда. Лекин, мазкур санкцияни беришни судларга ўтказиш ҳақида қонунчилик лойиҳаси тайёрланмоқда. Бироқ, умумий қоидадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу борада ҳам мазкур тезкор ҳаракатларни амалга оширувчи тезкор қидирав вакилларининг фоолиятида қонунчилик ижросини назорат қилиш прокурор томонидан амалга оширилиб келинади.

Хозирги кунда, ахборат алмашинуви соҳасидаги жиноятлар, кибержиноятчилик, солиқдан бўйин товлаш, фирибгарлик, товламачилик, каби жиноятлар доираси ўсиб бораётганлиги барчамизга кундек равшандир. Демак, мазкур жиноятларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиши, бундай молиявий жиноятчиларни тезкор йўллар билан аниқлаш, уларни ушлаш чораларини жадаллаштириш, ушбу турлаги жиноятга ундаётган, қизиқтираётган шахслар доирасини аниқлаб, уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўришда тезкор-қидирав фоолияти органларининг самарали иш фоолияти, ўз вазифаларини вижданан ва сидқидилдан бажариш ҳамда кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишда тезкор қидирав фоолияти

органларининг аҳамияти юқоридир. Бу эса уларнинг фаолиятида қонунларга сўзсиз риоя этиши устидан прокурор назоратини такамиллаштиришни талаб этади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида” қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни;
3. И.А.Каримовнинг 1992 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги Фармони;
4. 1992 йил 24 январда “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сон Вазилар Маҳкамаси Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни;

